## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 192-ҳадис

192 – عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صلى الله عليه وسلم، وَهُوَ يَخْطُبُ يَقُولُ: «السَّرَاوِيلُ لِمَنْ لَمْ يَجِدِ الْإِزَارَ، وَالْخُفَّانِ لِمَنْ لَمْ يَجِدِ النَّعْلَيْنِ – يَعْنِي الْمُحْرِمَ –».

[خ 1841، م 1178، ت 834، س 2671، د 1829، جه 2931].

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хутба қилаётиб, «**Шалвор – изор топа олмаганларга, махси эса шиппак топа олмаганларгадир** – яъни эҳромдагиларгадир», деганларини эшитдим».

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

**Изоҳ:** Изор топа олмаган киши шалворни сўтиб, йиртиб, изор қила олса, шундай қилади. Аммо бунда аврати тўсилмаса, ўша ҳолича кийса ҳам жоиз.

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI